



# O'zbekistonda sog'liqni saqlash

N 12  
(1446)  
2023 YIL  
30 MART

**ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА**

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ОКТАБРЬ ОЙИДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • @UZSSGZT, UZSS@YANDEX.RU



t.me/uzbekistondasog'liqnasqlash

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилсин.  
2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 347 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 677 000 сўм; ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига 747 000 сўм; меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга

бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 747 000 сўм; 1941–1945 йиллардаги уруш

Давоми 2 - бетда ▶



### ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ЖОЙИДА ҚАЛ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ, чекка ҳудудлар аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хиз-

мат ва шифокорларга яратилган шароитлар билан таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти марказидан 130 километр олисда жойлашган Нуробод туманининг Тим қишлоғида бўлди. Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш асносида, қарийб 10 минг аҳолига эга ушбу олис манзилда шу йилнинг ўзида илғор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилаётган бўлди.

### ИЛК БОР НОЁБ КАРДИОХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида



ноёб кардиохирургик операция ўтказилди. Туркиялик жарроҳлар билан биргаликда ўттиз олти ёшли беморга юрак сунъий чап қоринчаси ўрнатилди. Ўзбекистонда илк бор бажарилган ушбу юқори технологик амалиёт туфайли оғир хасталик муваффақиятли бартараф этилиб, бемор соғлом ҳаётга қайтди.

### БИПОЛЯР ЭНДОПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникасида жорий йил Нейротравматология бўлимида илк бор чаноқ-сон ва тизза бўғимлари артрози касаллигида плазмолифтинг муолажаси ҳамда умуртқа суякларини синишида перкутан вертебропластика амалиёти ўзлаштирилди. Бўйин умуртқаларини транспедикуляр фиксация билан стабилизациялаш операцияси жорий этилиши ҳам катта янгиллик бўлди. Шунингдек, юртимизда илк бор биполяр эндопротезлаш муолажа усули йўлга қўйилди.

## ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев бу ҳақдаги тегишли қонунни имзолади

(<https://t.me/uzauz/4389>) Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 197-7-модда билан тўлдирилиб, унда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Мазкур қилмиш учун фуқароларга – 1,5 млн сўмдан

2,1 млн сўмгача (базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 7 бараваригача), мансабдор шахсларга эса 2,1 млн сўмдан 3 млн сўмгача (7 баравардан 10 бараваргача) жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ тартибдаги жазо белгиланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

### "СОҒЛОМ ЖАМИЯТ" ХАЛҚАРО ФОРУМИ

## ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Россиядаги нуфузли форумда маъруза қилди

Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг эътибори боис, кейинги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳамкорлик борасида катта ўзгаришлар бўлиб, соҳада ютуқли натижалар янада кўзга ташланмоқда.

Давоми 4 - бетда ▶



Бугунги сонда:

**ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ**

4

**ОНА ФАРЗАНДИГА ИККИНЧИ БОР ҲАЁТ БАҲИШ ЭТДИ**

6

**ПОЧЕМУ КРОВЬ ВНЕЗАПНО СТАНОВИТСЯ ГУСТОЙ: ДЕЛО НЕ В ЕДЕ**

7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ**ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР  
МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Давоми. Боши 1 - бетда

оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига **3 296 000** сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига **747 000** сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм;

иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига **535 000** сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вақлига бериладиган нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қо-

билиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – **198 000** сўмдан кўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. **2023 йил 1 майдан** бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилсин.

4. **2023 йил 1 майдан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **980 000** сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **330 000** сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг **иш ҳақларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** – Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига му-

вофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

**пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** – Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган кўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий ком-

муникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2023 йил 28 март

**БУ МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ**

**Маълумки, жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнларда, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштиришда кенг жамоатчиликнинг иштироки муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.**

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг лойиҳаси ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, Конституциявий қонун лойиҳасидаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага оширилмоқди. Яъни, Асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортмоқда ва халқимиз таклифлари асосида янгиланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, янги ланаётган Конституция давлатимизнинг узок муддатли таракқиёт стратегиялари, айниқса, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим. Шу боис, Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормаларнинг салмоқли қисми инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда унинг кафолатларига таъминликдир.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи – фуқароларнинг ана шундай ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Албатта, ҳар бир инсон, туғилганидан бошлаб умрининг охирига қадар бир неча бор ушбу хизматдан фойдаланишига

ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи эгаллиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги, дав-

лар яратилиши белгилаб ўтилмоқда.

Давлат ўз фуқароларининг моддий аҳволидан қатъи назар кафолатланган бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинишини Бош қомус даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши, фуқароларнинг, айниқса, моддий аҳволи яхши бўлмаганларнинг

**МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ  
ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА**

тўғри келиши барчамизга маълум. Фуқаролар соғлиги муҳофазаси, уларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи Бош қомус даражасида кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, амалдаги Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи эга эканлиги белгилаб қўйилган эди.

Конституциявий қонун лойиҳасида эса фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларининг конституциявий кафолати янада кенгаймоқда. Аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар миқдори 4 баробарга кўпайтирилиб, ҳар ким соғлигининг муҳофазаси қилиниши

лат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг турли шакллари ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриши, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароит-

соғлигини сақлашга давлат ғамхўрлик қилишдан тўхтамаслигини аниқлатади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур нормаларнинг қабул қилиниши билан, жорий йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинади. Шунингдек, кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул тахлил турлари 15 тадан 25 тагача, текширувлар 10 тадан 20 тагача, дорилар 64 тадан 90 тага оширилади.

Таъкидлаш керакки, кафолатланган тиббий ёрдамга оид норманинг белгиланиши аҳоли ўртасида оналар ва болалар ўлими, юкумли касалликлар тахдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бундан ташқари, янги норма орқали тиббиётнинг нодавлат шакллари ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш ишлари янада яхшиланади.

Эътиборли жиҳати, бу каби нормаларни ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари билан бир қаторда минглаб фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, тиббиёт ходимларининг таклифлари инобатга олинган.

**Мухтасар айтганда, бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир жабҳаси, кундалиқ ҳаётимиз Конституциямизда белгиланган меъёрлар билан узвий боғлиқдир. Унга қиритилаётган юқоридаги каби ўзгартиришлар эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини кафолатланиши, шу жумладан, аҳоли саломатлигини таъминлаш Бош қомус даражасида мустаҳкамланаётганлиги билан биргаликда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолат беради.**

**Орифжон  
ИБРАХИМОВ,  
Наманган вилоят  
адлия бошқармаси  
бош маслаҳатчиси.**

**Жорий йилнинг 17 март куни пойтахтимизнинг International Hotel Toshkent мемонхонасида бўлиб ўтган йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашини тузишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Таъсис йиғилишида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, ҳамда Мўғилистон мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вакиллари билан биргаликда Жамоат хизмати ходимлари Интернационалининг Европа Федерацияси (European Public Servis Unions (EPSU)) Бош котиби Ян Виллем Гудриан иштирок этди.**

Йиғилиш сўнггида Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши таркибига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Ханapiaев, Тожикистон Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимлари мустақил касаба уюшмаси Республика кўмитаси Нурхон Ҳаётзода, Қозоғистон “Aqniq” соғлиқни сақлаш ходимлари ка-

роитларини яратилиши бўйича биргаликда олиб борадиган самарали меҳнатлари ўз натижасини беришга ишончимиз комил.

Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш хо-

лат соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш ва муносиб меҳнат шариоитлари яратилиши эришиш юзасидан ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш бўйича Меморандум имзоланди. Меморандум Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Бош котиби Фарҳоджон Ханapiaев ва Мўғилистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Федерацияси раиси Чагнаа Нарантуя Боржигонлар томонидан имзоланди.

**Бу каби мақсадли тадбирлар инсон қадрига қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, унинг замирида соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига бўлган эътибор ва ғамхўрлик мужассам эканлигини кўраимиз.**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби мақсадли тадбирлар инсон қадрига қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, унинг замирида соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига бўлган эътибор ва ғамхўрлик мужассам эканлигини кўраимиз. Шундай экан, бу борада ҳамкорлик сари олиб борилаётган ишлар кўлами янада бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

**Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Ханapiaевни Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш**

## ЭЪТИРОФ

# ҲАМКОРЛИК ЗАМИРИДА СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ ҚАДРИ МУЖАССАМ



қўллаб-қувватланди.

Ишчан ва қизгин музокара-ларга бой бўлган мазкур учрашувда янги ташкил этилаётган соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаларининг халқаро ташкилотининг Устави, Кенгаш аъзолари ҳамда Кенгаш бош котибини сайлаш масалалари кўрилди.

саба уюшмаси Кенгаши раиси Тажибай Бақитжан ҳамда Мўғилистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Федерацияси раиси Нарантуя Чагнаалар сайландилар. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби лавозимига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Ханapiaев 5 йил муддатга тайинланди. Янги ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашига минтақада соғлиқни сақлаш ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳамда муносиб меҳнат шариоитлари яратилиши бўйича биргаликда олиб борадиган самарали меҳнатлари ўз натижасини беришга ишончимиз комил.



димлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши биносида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан Мўғилистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси икки дав-

**ходимлари касаба уюшмалари Бош котиби этиб тайинланганлиги билан самимий қутлаб қоламиз.**

Ибодат СОАТОВА,  
журналист.

ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этиш юзасидан билдирилган таклиф қўшни давлатлар тармоқ касаба уюшмалари томонидан

"СОҒЛОМ ЖАМИЯТ" ХАЛҚАРО ФОРУМИ

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Россиядаги нуфузли форумда маъруза қилди*

←*Давоми. Боши 1 - бетда*

Кун кеча Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган "Соғлом жамият" форуми бунга яққол мисол бўла олади. Бир сўз билан айтганда, форум доирасида Санкт-Петербург шаҳридаги тиббиёт олий университети ҳамда тиббиёт мар-

миз тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва хурматнинг ёрқин ифодаси эканлигига амин бўлдик. Шу тариқа Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь ва Сербиядан 8 та хорижий расмий делегация ташриф буюрди. Ан-

қилишини таъкидлади. Тадбирда мен ҳам ўз маърузам билан иштирок этиб, мамлакатимизда тиббиётни халққа яқинлаштириш йўлида олиб борилётган ишлар, йўлга қўйилган янги диагностика ва даволаш усуллари, ўтказилган ноёб операциялар хусусида тўхта-

дан ҳис этган ҳолда жорий йил юртимизда "Ўзбекистон-Россия" тиббиёт форуми серкӯёш Ўзбекистонимизда ўтказилиш таклифини киритдим. Анжуманда дори воситалари хавфсизлигини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, бирламчи тиббий ёрдамни мо-

лан ўтказиб, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқалари кейинги йилларда изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг муносиб хиссаси борлигини алоҳида тилга олдик. Жумладан, ўтган йил 6-9-ноябрь кунлари Санкт-Петербург гу-



казлари билан олиб борилган ўзаро келишувлар мамлакатимиз тиббиётининг янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Таъкидлаш лозимки, икки кун давомида Санкт-Петербург шаҳри нуфузли анжуман — "Соғлом жамият" форумига мезбонлик қилди. Ушбу кенг аудиториядаги анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Мазкур форум тафсилотлари тўғрисида **Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов қуйидаги фикрларни билдириб ўтди.**

— Мамнуният билан айтмоқчиманки, бундай нуфузли форум Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Росконгресс" жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган ушбу тадбир мухташам Таврический саройида бўлиб ўтди.

Ушбу форумда 17 та давлат ва Россиянинг 57 та вилоятдан 800 нафардан ортиқ соҳа мутахассислари иштирок этди. Қатнашчилар орасида йирик тиббиёт ташкилотлари, суғурта жамғармалари, нуфузли олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари, таниқли олимлар ҳамда шифокорлар иштирок этди. Эътироф билан айтишим жоизки, бу йил илк бор ушбу нуфузли тадбирга Ҳамдўстлик давлатлари Соғлиқни сақлаш вазирларининг таклиф этилиши бўлди. Албатта, бундай нуфузли форумда иштирок этишимизнинг ўзи мезбонлар томонидан мамлақати-

жуман аввалида Россия Федерацияси Президентининг қатнашчиларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, ушбу давлат Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко мазкур форум МДХ мамлакатлари ўртасида тиббиёт бўйича тажриба алмашиш, илмий тадқиқот ишларини кенгайтиришга хизмат

либ ўтдим. Умид қиламанки, бу каби ўзаро ўзаро ҳамкорлигимиз соҳадаги муаммоли масалаларнинг инновацион ечимини топишида муҳим аҳамият касб этади. Кенг доирадаги форумнинг мақсади, моҳияти ва ўз ичига қамраб олган муҳим вазифалар замирида инсон саломатлиги ва унинг қадрини нечоғлик устун эканлигини дил-

дернизация қилиш, юқумли ва юқумли бўлмаган хасталикларга қарши кураш стратегиялари ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, ушбу нуфузли тадбир олдида делегациямиз билан илк учрашувни Санкт-Петербург шаҳри губернатори ўринбосари Олег Эргашев би-

## Онкология ва радиология соҳаси янада ривожланади



*Ушбу нуфузли халқаро анжуманда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов ҳам иштирок этди. Мазкур форум биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, — дейди профессор. — Айниқса, Россиянинг Н. Петров номидаги онкология миллий тиббий-тадқиқот маркази билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Айтиш лозимки, икки томонлама учрашувда онкологларни клиник ординатурада бепул ўқитиш ва малакасини ошириш, фундаментал онкология соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда саратон касаллигини даволаш бўйича янги замонавий дори-дармонларнинг қўшма клиник синовларини ўтказиш юзасидан қатор келишувларга эришдик. Ушбу марказ билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Унга кўра, эн-*

*диликда юртимиздаги клиник ординаторлар таълимнинг иккинчи йили Россияда бепул таҳсил олади. Шу билан бирга, магистратура босқичини тамомлаган ўзбек талабалари бир ойдан уч ойгача ушбу мамлакатда ўз билим ва кўникмаларини бепул ривожлантириш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, ўзбек мутахассислари учун россиялик онкологлар иштирокида маҳорат дарслари ва "мастер-класс"лар ўтказиш бўйича ҳам ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. Унга кўра, яқин келажакда марказимизда ушбу мамлакат шифокорлари билан биргаликда юқори технологияли лапароскопик жарроҳлик амалиётлари ўтказиш ва нур терапияси орқали оғир беморларни даволаш йўлга қўйлади. Бу эса юртимизда ихтисослашган тиббиётнинг энг мураккаб йўналишларидан бири бўлган онкология ва радиология соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.*

бернатори А. Бегловнинг Ўзбекистонга сафари давомида эришилган келишувлар ҳам бугун амалиётда ижобий натижаларини бераётганлигини алоҳида айтиб ўтишни лозим деб биламан. Масалан, ҳозир юртимизда 22 та хорижий университет билан ҳамкорликда тиббиёт кадрлари тайёрланмоқда. Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети — шулардан бири. Хусусан, мазкур университет ва Қорақалпоғистон тиббиёт институти ўртасида эришилган келишувга мувофиқ, халқаро қўшма таълим дастури асосида клиник ординатура ташкил этилган. Келгусида Оролбўйи минтақасида икки олий ўқув юртининг қўшма клиникасини очиш режалаштириляпти. Бундан ташқари, Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети билан Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети ўртасидаги келишув асосида 2018 йилдан қўшма таълим дастури асосида талабалар ўқитилаётгани ҳам ижобий натижаларимиздан биридир. Шу кунларда биргина Санкт-Петербургдаги мазкур нуфузли олий ўқув юртида 300 нафарга яқин ўзбекистонлик талабалар таҳсил олмақда. Бунинг баробарида, мулоқотда Ўзбекистон Республикаси ихтисослашти-

Давоми 5 - бетда →

"СОҒЛОМ ЖАМИЯТ" ХАЛҚАРО ФОРУМИ

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Россияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашди



лат педиатрия тиббиёт университети — шулардан бири. Эътиборли жихати, ҳозир қўшма таълим дастурларига мувофиқ, ушбу нуфузли муассасада тиббиётнинг қатор йўналишлари бўйича 300 нафарга яқин ўзбекистонлик талаба таҳсил олмақда. Форумдан сўнг делегациямиз билан юртимизнинг талаба ёшлари билан учрашув ўтказдик. Улар олаётган тиббий таълимлари борасида ўз фикрларини баён этишди. Саволлар билан мурожаат қилишди. Албатта, талабаларимизнинг билдирган фикрларига хулоса қилар эканмиз, бу бўлажак тиббиёт ходимларимиздан умидимиз катта экан-

рилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Н. Петров номидаги онкология миллий тадқиқот маркази ўртасида клиник ординатура бўйича қўшма таълим дастурини амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Учрашувда тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш истиқболлари муҳокама этилди. Анжуманнинг иккинчи кунини делегациямиз аъзолари билан Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко билан учрашдик. Мулоқотда икки давлат ўртасида тиббиёт соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдик. М. Мурашко делегациямиз аъзоларини Россияга ташрифи, хусусан, "Соғлом жамият" форумидаги иштироки билан қутлар экан, стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлашни тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилаётганини мамнуният билан айтиб ўтди. Шунингдек, 2019/2020 ўқув йилидан Ўзбе-

кстоннинг 9 та тиббиёт олий ўқув юрти билан Россиянинг 12 та тиббий олий таълим муассасаси ҳамкорлигида қўшма таълим дастурлари асосида 6 та бакалаврият йўналиши, 2 та магистратура ва 11 та клиник ординатура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрланаётгани алоҳида қайд этилди. Икки мамлакат тиббиёт олимлари ва мутахассислари томонидан қўшма илмий-маърифий тадбирлар, маҳорат дарслари ўтказилаётганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, 2020-2022 йилларда Россия Федерациясининг етакчи клиника ва тиббиёт марказлари ва таълим муассасаларида 500 нафарга яқин ўзбекистонлик мутахассислар малакаси оширилиб, қайта тайёрланганлиги фаолиятда ўз самарасини бераётганлиги тилга олинди. Шу ўринда, Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши курашишда кўрсатилган кўмак, шу жумладан аҳолини эмлаш доирасида амалга оширилаётган самарали ҳамкорлик, қолаверса, мамлакатимизда онкогематология хизматини янада ривожлантириш йўлидаги ташаббуси учун россиялик ҳамкасбларимизга алоҳида ўз миннатдорлиги-



мизни изҳор этдик. Ўзаро учрашувда икки томонлама янги қўшма таълим дастурларини рўёбга чиқариш, кадрлар малакасини ошириш, педиатрия, онкология, гематология, онкогематология, хирургия, трансплантология йўналишлари бўйича Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети билан илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, мақсадли докторантура ва аспирантурани йўлга қўйишга келишиб олдик. Ўз навбатида, фармацевтика соҳасини ривожлантириш, арзон ва сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқариш,

болаларда суяк илиги трансплантациясини жорий этиш каби масалаларни ҳам муҳокама қилдик. Албатта, юқорида таъкидлаб ўтганимдек, мамлакатимизда "Ўзбекистон-Россия" тиббиёт форумининг ўтказилиши ва унинг доирасида соғлиқни сақлаш бўйича икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилганлигига ҳам алоҳида урғу қаратдик. Бугун Ўзбекистонда 22 та хорижий олий ўқув юрти билан ҳамкорликда тиббиёт кадрлари тайёрланмоқда. Россиянинг Санкт-Петербург дав-

лигини ва улارга юртимиз тиббиёт муассасалари фаолиятини трансформация қилишда салоҳиятли мутахассислар зарурлигини, шунингдек, илғор диагностика ва даволаш усуллари, инновацион ёндашувларни Ватанимизда янада кенг татбиқ этишда астойдил фаолият олиб боришларига ишончимиз комил эканлигини алоҳида билдириб ўтдик. Учрашув доирасида ўзбекистонлик талабаларимизнинг ўқиш ва яшаш шароитлари билан яқиндан танишдик.

## В ФОРУМЕ «ЗДОРОВОЕ ОБЩЕСТВО» ПРИНЯЛИ УЧАСТИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛИ 17 СТРАН

В Санкт-Петербурге прошёл форум «Здоровое общество», в котором приняли участие около 800 человек из 57 регионов России и 17 стран

Программа включала Саммит министров здравоохранения стран СНГ, который посетили министр здравоохранения Узбекистана Амрилло Иноятов, министр здравоохранения Армении Анаит Аванесян, министр здравоохранения Казахстана Ажар Гиният, министр здравоохранения Киргизии Гульнара Батырова, министр здравоохранения Республики Беларусь Дмитрий Пиневич.

Среди российских официальных лиц в работе форума приняли участие

глава Минздрава Михаил Мурашко, зампред Совета Федерации Галина Карелова, губернатор Ленинградской области Александр Дрозденко, руководитель Федеральной службы по надзору в сфере здравоохранения Алла Самойлова.

Мурашко отметил важность пациентоориентированного подхода в медицине и необходимость цифровой трансформации отрасли здравоохранения.

«Цифровая трансформация здравоохранения — приоритетность прак-



тически всех стран, сегодня выступающих. В том числе акценты сделаны на первичном звене, инфраструктуре, внедрении инноваций и научных разработок, содержания в доступности для пациентов рынка лекарственных

препаратов и качества медицинской продукции», — сказал министр.


На выставочном пространстве форума были представлены инновационные разработки российских компаний.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Куни кеча Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида Европа кардиологлар жамияти, Европа кардиоваскуляр визуализация ассоциацияси (ЕАСVI) ишчи гуруҳининг “Юрак-қон томир визуализацияси” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ушбу конференция Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази ва FILLIPS компанияси билан ҳамкорликда ўтказилди. Мазкур анжуманда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан кардиолог, функционал диагностика шифокорлари ва ЭХО кардиография мутахассислари иштирок этишди. Конференция бир вақтнинг ўзида ZOOM платформаси орқали онлайн форматда олиб борилди. Тадбирда Норвегия, Белгия, Голландия, Испания давлатларидан ташриф буюрган Европа кардиоваскуляр визуализация ассоциациясининг профессорлари Тор Эдвардсен, Бернард Коссинг, Стефен Петерсен, Борден Попеску, Нина Аймон Марсан, Виктория Делгало каби малакали мутахассислари кардиологик визуализациянинг сўнгги технологиялари ва янгиликлари тўғрисида илмий маърузалар қилишди.

## МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЭРИШИШДИР



Нина Аймон Марсан, Виктория Делгало каби малакали мутахассислари кардиологик визуализациянинг сўнгги технологиялари ва янгиликлари тўғрисида илмий маърузалар қилишди.

Конференциянинг асосий мақсади, юрак-қон томир касалликларининг эхокардиокардиографик ташхисланишини янги услубий тавсиялар асосида та-

комиллаштиришга қаратилди. Шу билан бирга, ЕАСVI Халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган маҳорат дарслари

Тадбирда Норвегия, Белгия, Голландия, Испаниядан ташриф буюрган Европа кардиоваскуляр визуализация ассоциациясининг профессорлари Тор Эдвардсен, Бернард Коссинг, Стефен Петерсен, Борден Попеску, Нина Аймон Марсан, Виктория Делгало каби малакали мутахассислари кардиологик визуализациянинг сўнгги технологиялари ва янгиликлари тўғрисида илмий маърузалар қилишди.

тисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ва Европа кардиоваскуляр визуализация ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Бўлиб ўтган ушбу халқаро анжуман кардиология ва функционал диагностика соҳасида шифокорларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишда, шунингдек, давлатлар ўртасида тиббиёт тизимидаги фаолиятларни янада такомиллаштириб, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди.

Ҳамидулла  
ТОШПЎЛАТОВ.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ташкилий-услубий бўлими раҳбари.



кардиологлар ва функционал диагностика шифокорларининг малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Тадбир якунида Республика их-

### БУЙРАГИМ ФАРЗАНДИМГА МОС КЕЛГАНЛИГИДАН СЕВИНДИМ

Шералижон Азимжонов — Фарғона вилоятининг Фурқат туманидан. Йигирма тўрт ёшда. Сурункали буйрак етишмовчилиги сабабли ўтган йил декабрь ойидан буён Гулистон тиббиёт кластерининг нефрология ва гемодиализ бўлимида муолажа олиб келатган эди.

Шифокорлар ахволи ёмонлашиб бораётган беморнинг яқинларига бу дарддан халос бўлишининг ягона йўли буйрак трансплантацияси эканлигини айтишди.

— Ўғлимизга донор бўлиш учун турмуш ўртоғимнинг қон гуруҳи тўғри келмади, — дейди Олмаҳон Раҳмонова. — Шундан кейин қатор текширувлар ўтказилгач, буйрагим фарзандим учун мос келишини айтишди. Ростини, шундай сеvindимки, буни сўз билан ифода қила олмайман.

Трансплантация амалиёти Гулистон

тиббиёт кластерининг жарроҳлик бўлимида ўтказилди. Операция академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари иштирокида муваффақиятли бажарилди.



## ОНА ФАРЗАНДИГА ИККИНЧИ БОР ҲАЁТ БАҲШ ЭТДИ

Ўғлимизга донор бўлиш учун турмуш ўртоғимнинг қон гуруҳи тўғри келмади, — дейди Олмаҳон Раҳмонова

Барча харажатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди. Мухими, ҳозир она ва боланинг саломатлиги яхши. Яқин кун-

ларда улар бутунлай оёққа туриб, оиласи бағрига соғ-омон қайтади.

Намозжон ТОЛИПОВ.


АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

Вопрос о том, как разжижать густую кровь, волнует многих пациентов. Дело в том, что состояние связано с опасными для жизни рисками - тромбозом, инфарктом, инсультом.


"Ведь то и дело кто-то умер от того, что тромб оторвался. Почему он оторвался? Потому что кровь густая и надо ее разжижать. Риск тромбозов надо снижать, чтобы не случился тромбоз, инфаркт, инсульт и не дай бог смерть", - рассказала кардиолог, кандидат медицинских наук Анна Корневич.

Людам с хорошим здо-

ровьем, чтобы снизить риск тромбоза до нуля, достаточно просто регулярно двигаться, правильно питаться, серьезно относиться к отдыху, отметила специалист.



## ПОЧЕМУ КРОВЬ ВНЕЗАПНО СТАНОВИТСЯ ГУСТОЙ: ДЕЛО НЕ В ЕДЕ



Между тем, по словам врача, пациентов, которые обратились к ней с жалобами, к тромбозам и инфарктам "привели именно стрессы и полное игнорирование отдыха и расслабления".

"Напряженная работа на первом месте, отдых на последнем - это самый быстрый путь к тромбозам", - подчеркнула кардиолог.

При высоком риске тромбозов решение снизить его с помощью лекарств (в этом случае повышается вероятность кровотечений) принимает только врач после полного кардиологического обследования, предупредила врач.

При этом пациент должен быть готов к изменению образа жизни (независимо от

того, будут назначены препараты или нет).

В частности, важно увеличивать физическую активность, снижать вес, сахар, холестерин, давление, убирать вредные привычки (курение, алкоголь), научиться расслабляться (общение с позитивными людьми, медитация и так далее) и повышать стрессоустойчивость.

Врач также предостерегла от "народных методов" лечения.

"А как же пиявки и свекольный сок, спросите вы? Может что-то попить на травах? Увы, обрадовать тут нечем. Быстрого и легкого решения этой проблемы не существует", - заключила специалист.

Оксана ГРИБАНОВА.

Полезные свойства янтарной кислоты так же впечатляют, как и красота самого янтаря! А содержится это вещество не только в изысканном ископаемом, но и в продуктах питания. Рассказываем, в каких.

### ЧТО ТАКОЕ ЯНТАРНАЯ КИСЛОТА

Янтарная кислота на самом деле содержится не только в янтаре (около 3-8%), но свое название она получила благодаря тому, что впервые была синтезирована в XVII веке именно из окаменевшей ископаемой смолы. В очищенном виде представляет из себя белые, почти бесцветные кристаллы со слабокислым вкусом, которые хорошо растворяются в воде и спирте. Она безопасна, по своим качествам схожа с лимонной и яблочной кислотами, и используется в качестве подкислителя и ароматизатора в пищевых продуктах в виде пищевой добавки E363. Соли и эфиры янтарной кислоты называются сукцинатами от лат. succinum — янтарь. Именно они и содержатся в растениях, морепродуктах и свежем мясе. Так чем же так полезны продукты, богатые сукцинатами?

### ОЧИЩЕННАЯ ЯНТАРНАЯ КИСЛОТА. ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА ЯНТАРНОЙ КИСЛОТЫ

Подобно лимонной кислоте, янтарная играет важную

роль в метаболизме янтарная кислота. Человеческий организм синтезирует эту кислоту самостоятельно, но получая её с продуктами питания или в качестве пищевой добавки,

(например, утилизируются этанол и молочная кислота), оказывает антиоксидантное действие, ноотропное действие (повышение работоспособности и умственной активности),

уменьшаются проявления депрессии и неврозов, уменьшение аллергических реакций.

### В КАКИХ ПРОДУКТАХ СОДЕРЖИТСЯ ЯНТАРНАЯ КИСЛОТА ИЛИ СУКЦИНАТЫ?

Янтарная кислота естественным образом присутствует почти во всех тканях растений и животных. В большей степени она содержится в следующих продуктах, которые мы употребляем в пищу:


- квашеной капусте,
- сыре,
- брокколи,
- ревене,
- свекле,
- спарже,
- свежем мясе,
- морепродуктах,
- кисломолочных продуктах (кефире),
- дрожжах.

Присутствие янтарной кислоты в пищевых продуктах повышает их питательную ценность, но за счет более быстрого и качественного обмена веществ чувство насыщения приходит быстрее, поэтому хочется есть меньше.

Clinic-a-plus.

### ПОЛЕЗНЫЕ ПРОДУКТЫ

## ПОЧЕМУ НУЖНО ПРИНИМАТЬ ЯНТАРНУЮ КИСЛОТУ



роль в метаболических процессах внутри клеток и участвует в цикле Кребса (его также называют циклом лимонной кислоты), главным результатом которого является производство энергии из глюкозы. В ходе одной из реакций в этом цикле синтези-

мы значительно упрощаем жизнь нашим клеткам и экономим большое количество энергии — кислоты сразу "встраивается" в цикл Кребса и стимулирует усиление "клеточного дыхания": ускоряет обмен веществ с высвобождением энергии, воды и углекислого газа. Благодаря этому, янтарная кислота необходима для профилактики нарушений энергетического баланса в организме, а многие процессы происходят намного эффективнее и быстрее:

повышается скорость распада токсических веществ и выведения их из организма



профилактика старения, укрепление иммунитета, нормализуется кислотно-щелочной баланс организма, приходит в норму вес, происходит укрепление сосудов,

